

Нодиров Музаффар Ахмад ўгли,

Тошкент давлат юридик университети
Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва
криминалистика кафедраси ўқитувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-8-5>

ЛАВОЗИМДАН ЧЕТЛАШТИРИШ МАЖБУРЛОВ ЧОРАСИНИ Қўллашни тартибга солувчи хорижий мамлакатлар қонунчилиги билан боғлиқ масалалар МАМЛАКАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: ушбу мақолада жиноят ишлари юритувида лавозимдан четлаштириш мажбурлов чорасини қўллашни тартибга солувчи хорижий мамлакатлар қонунчилиги билан боғлиқ масалалар ўрганилган ва таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: лавозимдан четлаштириш, мажбурлов чораси, суднинг санкцияси.

Нодиров Музаффар Ахмад угли,

Преподаватель кафедры Уголовно-процессуального
права и криминалистики Ташкентского
государственного юридического университета

АНАЛИЗ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН РЕГУЛИРУЮЩИХ ПОРЯДОК ПРИМЕНЕНИЯ ПРИНУДИТЕЛЬНОЙ МЕРЫ В ВИДЕ ОТСТРАНЕНИЯ ОТ ДОЛЖНОСТИ

Аннотация: в данной статье изучены и анализируются правовые основы и законодательство зарубежных стран, регулирующее порядок применения принудительной меры в виде отстранения от должности.

Ключевые слова: отстранение от должности, принудительные меры, санкция суда.

Nodirov Muzaffar Akhmad ugli,

Teacher of the Department of Criminal
Procedure Law and Criminalistics of the
Tashkent State University of Law

ANALYSIS OF LEGISLATION OF FOREIGN COUNTRIES REGULATING PROCEDURES FOR APPLICATION OF FORCING MEASURES IN THE FORM OF ELIMINATION FROM POSITION

Annotation: this article examines and analyzes the legal framework and legislation of foreign countries governing the use of coercive measures in the form of removal of posts.

Key words: removal from office, coercive measures, court sanction.

Лавозимдан четлаштириш процессуал мажбурлов чорасини қўллашни тартибга солувчи МДХ давлатлар қонунчилиги бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу давлатларнинг лавозимдан четлаштириш процессуал мажбурлов чорасини тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини шаклланишида МДХ давлатларининг намунавий жиноят-процессуал кодекси, 1993-йил 22-январда Минскда қабул қилинган "Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий мунобатлар тўғрисида"ги Конвенциясининг 1997-йилги баённомаси, 2002-йил 7-октябрда Кишинёвда қабул қилинган "Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий мунобатлар тўғрисида"ги Конвенцияси асосий қонун ҳужжатлари вазифасини ўтаган.

МДХ давлатлари намунавий жиноят-процессуал кодекси МДХ парламентлараро ассамблеясининг 1996-йил 17-февралдаги 7-мажлисида қабул қилинган тавсиявий мазмундаги ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу ҳужжатда лавозимдан четлаштиришни ҳуқуқий тартибга солишнинг янгича модели таклиф этилган бўлиб, унда лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чораси сифатида белгиланган (184-модда). Ушбу кодексда қуйидаги эҳтиёт чоралари кўрсатилган: қамок, уй қамоғи, гаров, муайян ҳудудни тарқ этмаслик тўғрисида тилхат, шахсий кафиллик, ташкилот кафиллиги, полиция назорати остига топшириш, кузатув остига бериш, қўмондонлик кузатуви остига бериш, лавозимдан четлаштириш (166-модда).

Намунавий кодексда лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чорасини қўллаш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб ушбу чора мустақил эҳтиёт чораси сифатида ҳам шунингдек, бошқа эҳтиёт чораларига қўшимча эҳтиёт чораси сифатида ҳам қўлланилиши мумкин. Шу жиҳатдан О.Грешникованинг лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чорасини бошқа эҳтиёт чоралари билан бир пайтда қўллаш асосли мазмундаги фикрига қўшилиш мумкин, деб ўйлаймиз[1]. Зеро, бошқа эҳтиёт чоралари билан биргаликда қўллаш орқали айбланувчи, гумон қилинувчига нисбатан қамок ёки уй қамоғини қўллашга бўлган зарурат йўқолиши мумкин. М.А.Подолский аини масала юзасидан сўз юритиб жиноят процессининг демократик принциплари суриштирувчи ва терговчига ўзларига берилган ваколат доирасида судга қамок тарзидаги эҳтиёт чорасига муқобил сифатида бир вақтда қўлланилувчи икки нисбатан энгилроқ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларини қўллаш қаҳда илтимоснома киритиш имконини беради деб қайд этган[2]. Баён этилганларга асосан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал кодексида ҳам битта асосий ва бир нечта бошқа қўшимча эҳтиёт чораларини қўллаш имкониятини тақдим этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

МДХ давлатлари намунавий жиноят-процессуал кодексида шунингдек, лавозимдан четлаштирилган шахсга давлат томонидан таъминот тўлаш масалалари ва суднинг лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги ажримини ижро этиш тартиби белгиланган.

Шу билан бирга лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чорасини қўллашнинг ҳуқуқий оқибатлари тартибга солинган. Ушбу кодексда эҳтиёт чорасини қўллашнинг

қуйидаги шартлари ва ҳуқуқий оқибатлари келтирилган: жиноят процессини юритувчи мансабдор шахснинг хатоси ёки суистеъмол қилиши оқибатида айбланувчи ёки гумон қилинувчига етказилган зарарни (маънавий, жисмоний, мулкӣ ва ҳоказо) қоплаш ҳуқуқининг вужудга келиши (53, 54-моддалар).

Намунавий кодексга кўра суд ҳаражатлари шунингдек, вақтинчалик лавозимдан четлаштирилган шахсга тўланган таъминотни ҳам ўз ичига олади (212-модда).

МДҲ давлатлари намунавий ЖПК сида баён этилган юқориде келтирилган нормалар ва бошқа қоидалар кейинчалик ушбу давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигига қабул қилинган ва такомиллаштирилган бўлиб қуйида уларнинг айримларини батафсил таҳдил этамиз.

Хусусан, Озарбайжон Республикасининг ЖПК сида намунавий ЖПК да белгиланган лавозимдан четлаштиришни тартибга солувчи деярли барча нормалар ўз ифодасини топган. Фақат давлат таъминоти бериш ҳамда ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш муддатлари масалалари истисно ҳисобланади. Озарбайжон Республикасининг ЖПКси 154-моддасига кўра лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чорасининг бир тури сифатида белгиланган. Ушбу эҳтиёт чорасини қўллашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, муайян жиноят ишига умумий раҳбарлик қилувчи прокурор айбланувчи ёки гумон қилинувчига нисбатан лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чорасини қўллаш учун етарли асослар мавжуд бўлганда уч кун ичида ўзининг қарори билан ушбу шахсга мансаб ваколатларини бажариш, муайян ишни ёки фаолиятни амалга оширишни таъқиқлаши мумкин. Айни вақтда прокурор судга айбланувчи ёки гумон қилинувчига нисбатан лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги эҳтиёт чорасини танлаш борасида илтимоснома киритади. Суд ажрими дарҳол лавозимдан четлаштирилган шахснинг иш берувчисига юборилади ва иш берувчи қарорни олган вақтдан бошлаб ушбу шахсни лавозимдан четлаштиради[3].

Арманистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 19-Бобида шахс лавозимини эгаллашни вақтинча тўхтатиш бошқа мажбурлов чораси сифатида келтирилган. Ушбу мажбурлов чорасини қўллашнинг ўзига хослиги шундаки, у суд томонидан қўлланилмайди. Арманистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 152-моддасига кўра прокурор шунингдек, унинг топширигига кўра суриштирувчи ёки терговчи етарли асослар мавжуд бўлганда давлат хизматчиси бўлган айбланувчи ёки гумон қилинувчини мансабни эгаллашини вақтинча тўхтатиш ҳуқуқига эга. Бундай қарор ушбу шахснинг иш берувчиси томонидан олингандан сўнг уч кун ичида ижро этилади ва қарорни чиқарган орган бу ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинади (152-модда). Ушбу мажбурлов чораси уни қўллашга зарурият қолмаган тақдирда суд, прокурор, суриштирув органи ёки тергов органи қарори билан бекор қилинади[4].

Беларуссия Жиноят-процессуал кодексиде лавозимдан вақтинча четлаштириш бошқа жиноят-процессуал мажбурлов чоралари деб номланган 14-Бобида ўрин олган. Кодекснинг 131-моддасига кўра лавозимдан вақтинча четлаштириш бошқа мажбурлов чораси сифатида етарли асослар мавжуд бўлганда прокурор, унинг ўринбосари ёки Беларуссия Республикаси тергов қўмитасининг раиси, Беларуссия Республикаси давлат хавфсизлик қўмитаси раиси ёки уларнинг вазифасини бажарувчи шахслар томонидан, шунингдек, прокурор ёки унинг ўринбосари санкциясига биноан терговчи томонидан ёхуд суд томонидан қўлланилиши мумкин. Бунда Беларуссия Республикаси давлат раҳбари кадрлар рўйхатига

киритилган мансабдор шахслар фақат Президент розилигига кўра лавозимдан четлаштирилиши мумкин. Вақтинча лавозимдан четлаштирилган шахс бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаса ҳар ойлик давлат таъминотини олиш ҳуқуқига эга. Ушбу шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганда ойлик давлат таъминоти тўлови тўхтатилади. Беларуссия Республикаси ЖПК сининг 131-моддаси 4-қисмига кўра вақтинча лавозимдан четлаштириш суднинг ажрими ёки қарори билан шунингдек, айбланувчи ёки судланувчини вақтинча лавозимдан четлатишга ҳақли бўлган юқорида қайд этилган шахслар томонидан бекор қилиниши мумкин.

Беларуссия Республикаси давлат раҳбари кадрлар рўйхатига киритилган мансабдор шахсларни лавозимдан четлаштириш фақат Беларус Республикаси Президентининг розилиги билан бекор қилинади[5].

Украина Республикаси Жиноят-процессуал кодексида лавозимдан вақтинча четлаштириш жиноят ишлари бўйича иш юритувчи таъминлаш чоралари сифатида белгиланган[6]. Украина Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилига кўра вақтинча лавозимдан четлаштириш судга қадар тергов босқичида ҳам суд муҳокамаси босқичида ҳам тергов судьясининг қарорига асосан ўртача оғирликдаги, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этган айбланувчи ёки гумон қилинувчиларга, шунингдек содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан қатъий назар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг барча мансабдор шахсларига нисбатан қўлланилиши мумкин (154-модда).

Украина президенти томонидан тайинланадиган шахсларни лавозимдан четлаштириш масаласи прокурор илтимосномасига кўра бевосита Президент томонидан ҳал қилинади. Судьяни лавозимдан четлаштириш масаласи Бош прокурор илтимосномасига асосан судьялар олий малака комиссияси томонидан ҳал этилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Украина Республикаси Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра шахсни лавозимдан четлаштириш икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатга қўлланилади ва ушбу муддат кейинчалик прокурор илтимосномасига кўра узайтирилиши мумкин.

Украина Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 155-моддасида лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги илтимосномага қўйилган талаблар белгиланган.

Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида лавозимдан вақтинча четлаштириш бошқа процессуал мажбурлов чоралари сифатида белгиланган[7]. Жиноят-процессуал кодексининг 159-моддасига кўра жиноят процессини юритувчи шахс етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурор санкцияси билан айбланувчи, гумон қилинувчини вақтинча лавозимдан четлаштиришга ҳақли. Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига кўра вақтинча лавозимдан четлаштирилган шахс меҳнат ҳақининг бир минимал миқдоридан кам бўлмаган суммада ҳар ойлик давлат таъминотини олиш ҳуқуқига эга, башарти ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра у бошқа ишга кира олмаса ёки бошқа лавозимда ишлай олмаса. Ушбу таъминот суммаси процессуал чиқим ҳисобланиб кодексининг 175-моддасига кўра жиноят иши бўйича иш юритувида келиб чиқадиган бошқа харажатлар сирасига киритилган.

Қирғизистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 118-моддасига кўра вақтинча лавозимдан четлаштириш прокурор ёки унинг розилиги билан терговчи ҳамда суд томонидан қўлланилиши мумкин[8].

Биз томонимиздан шунингдек, лавозимдан четлаштириш чорасини айрим Европа мамлакатларида қўлланилишининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган бўлиб, куйида бу давлатлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтамиз. Жумладан, Германия Федератив Республикасининг Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра[9] процессуал мажбурлов чоралари бир неча турга бўлинган. Биринчи гуруҳ бу айбланувчи, гувоҳлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларини тергов ёки судга олиб келинишини таъминлашга қаратилган чоралар. Мажбурий келтириш, айбланувчини қамоққа олиш кабилар шулар жумласига киради. Иккинчи гуруҳни далиллар тўпланишини кафолатловчи чоралар ташкил этиб, олиб қўйиш, телефон сўзлашувларини эшитиш, мажбурий суратга олиш ва бармоқ изларини олиш шулар сирасига киради. Ҳукм ижросини таъминловчи асослар учинчи гуруҳни ташкил этади. Мулкни ҳағлаб қўйиш, мусодара қилиш шулар жумласига киради. Юқорида қайд этилган мажбурий чораларидан ташқари Германия қонунчилигида шунингдек, вақтинча ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш ва касбий фаолиятни эгаллашни вақтинча таъқиқлаш каби чоралар ҳам мавжуд.

Хусусан, Германия Федератив Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 132 а параграфига кўра касбий фаолиятни эгаллашни вақтинча таъқиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун жиддий асослар мавжуд бўлганда, судья тегишли қарор чиқариш йўли билан муайян мутахассислик бўйича касбий фаолият билан шуғулланишни вақтинча таъқиқлашга ҳақли. Шунини қайд этиш жоизки Германия Федератив Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига кўра бошқа мажбурлов чоралари каби лавозимдан четлатишни қўллашда ҳам тергов судьяси ушбу чоранинг қонунийлиги ва мақбуллигини текшириши тақозо этилади.

Латвия Республикасининг Жиноят-процессуал қонунининг 243-моддасида муайян фаолият билан шуғулланишга таъқиқ эҳтиёт чораси белгиланган. Ушбу қонуннинг 254-моддасига кўра муайян фаолият билан шуғулланишга таъқиқ дейилганда процессни юритувчи шахснинг процессуал қарорига асосан айбланувчи ёки гумон қилинувчига муайян турдаги фаолият билан шуғулланиш ёки муайян мансабдорлик мажбуриятларини бажариш таъқиқлиниши тушунилади[10]. Ушбу қарор иш берувчига юборилиб, олинган вақтдан бошлаб уч кун ичида ижро этилиши талаб этилади. Қарор ижроси бошланганлиги тўғрисида иш берувчи процессни юритаётган шахсга хабар беради.

Латвия Жиноят-процессуал қонунчилигининг 262-моддасига кўра лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги қарор гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ёки вакили томонидан бундай қарор олинган кундан бошлаб етти кун ичида тергов судьясига шикоят қилиниши ва ушбу чорада белгиланган талаблар у томонидан бажарилиши имконсизлиги асосланганлиги мумкин. Бундай шикоят тергов судьяси томонидан уч кун ичида кўриб чиқилади ва натижасига кўра шикоятни қаноатлантиришни рад этиши ёки процессни юритувчи шахсга уч иш кунини давомида қўлланилган эҳтиёт чораси ёки унинг шартларини ўзгартириш тўғрисида топшириқ бериши мумкин[11].

Францияда лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чораси аксарият ҳолларда моддий ҳуқуқий нормалар билан яъни Франция жиноят кодексига тартибга солинган. Жумладан, ушбу кодекснинг 131-6-моддасида бирор бир касбий ёки жамоат фаолияти жиноий қилмишга тайёргарлик ёки уни содир этиш учун фойдаланилган тақдирда бундай фаолиятни амалга оширишда таъқиқ мавжудлиги белгиланган.

Шу билан бирга ушба қоидадан истисно мавжуд бўлиб бундай таъқиқ сайланган ёки касаба уюшмаси фаолиятини амалга оширишда шунингдек, оммавий ахборот соҳасидаги жиноят ишларида қўлланилмаслиги белгиланган[12].

Болгария Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида айбланувчини лавозимдан четлаштириш процессуал мажбурлов чораси сифатида белгиланган. Ушбу кодекснинг 69-моддасига кўра айбланувчи умумий тавсифдаги қасддан қилинган иш билан боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлик учун ишга жалб этилган тақдирда ва унинг хизмат мавқеи жиноят иши бўйича ҳолатларни ҳолисона ҳар томонлама тўлиқ текширишга тўсқинлик қилиши учун имкон беради деб етарли асослар мавжуд деб ҳисоблаш мумкин бўлган ҳолатда суд айбланувчини лавозимдан четлаштириши мумкин. Бунда айбланувчини лавозимдан четлаштириш масаласи суд томонидан прокурорнинг илтимосномасига асосан очиқ суд мажлисида прокурор, айбланувчи ва унинг ҳимоячиси иштирокида кўрилади. Суднинг қарори устидан уч кун ичида шикоят қилиниши мумкин[13].

Шундай қилиб, хорижий давлатларда лавозимдан четлаштиришга доир нормалар таҳлили асосида қуйидаги ўзига хосликлар аниқланди: урғу лавозимдан четлатишга эмас балки касбий фаолиятни эгаллашга (Германия, Франция), муайян фаолият билан шуғулланишга (Латвия), хизмат мавқеини эгаллашга (Болгария) ва вақтинча таъқиқ қўйишга қаратилади.

Шу билан бирга лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чорасини қўллашнинг қуйидаги умумий ва хусусий жиҳатлари намён бўлди. Демак ушбу чорани қўллашнинг умумий жиҳатлари қуйидагилар:

- махсус ваколатли давлат органи томонидан қўлланиладиган мажбурлов чораси;
- бу чора фақат етарли асослар мавжуд бўлгандагина қўлланилади;
- лавозимдан вақтинча четлатишнинг қонуний асоси мавжуд бўлиши тақозо этилади;
- лавозимдан четлатилаётган шахснинг жиноят содир этганликда асосли шубҳа мавжуд бўлади.

Ушбу чоранинг қуйидаги хусусий жиҳатлари мавжуд:

- ушбу чоранинг мақоми турлича белгиланган (бошқа турдаги мажбурлов чораси, эҳтиёт чораси, жиноят иши бўйича иш юритувни таъминлаш чораси, процессуал мажбурловнинг муқобил чораси);

- вақтинча лавозимдан четлаштиришни қўллашнинг дифференциаллашган асослари шаклланган (жиноят ишлари бўйича иш юритув тартибини таъминлаш билан боғлиқ, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашни таъминлаш мақсадида ёки жинойи фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилишни таъминлаш учун);

- вақтинча лавозимдан четлаштириш процессуал жараёнларнинг субъектив таркиби турлича белгиланган, яъни ушбу чора айрим давлатларда прокурор томонидан қўлланилса бошқаларида суд ёки тергов органи томонидан қўлланилиши мумкин;

- ушбу мажбурлов чорасининг мазмуни турлича белгиланган (муайян лавозимларни эгалламаслик, мансаб ваколатларини бажармаслик, муайян фаолият билан шуғулланмаслик);

- вақтинча лавозимдан четлаштириш чораси қўлланилиши устидан шикоят қилиш тартиби;

- вақтинча лавозимдан четлаштиришни қўллашнинг ҳуқуқий оқибатлари турлича белгиланган (лавозимдан четлаштиришни ижро қилиш жараёнлари, давлат таъминотини тўлаш, лавозимдан ноқонуний ва асоссиз равишда вақтинча четлаштиришда компенсация тўланиши масалалари).

Баён этилганларга асосан юқорида таҳлил этилган давлатлар қонунчилигида мавжуд айрим ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал кодексини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

Биринчидан, жиноят-процессуал кодексининг 29-Бобини "Лавозимдан ва (ёки) касбий ва (ёки) бошқа фаолиятдан вақтинча четлаштириш" деб номлаш таклиф этилади. Зеро, моҳиятан айбланувчи, судланувчи муайян иш жойида қолиш орқалигина эмас балки муайян фаолият (тадбиркорлик, тиббий соҳадаги ва бошқалар) билан шуғулланиш орқали ҳам жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёки жиноят оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга тўсқинлик қилиши ёки жинойи фаолиятни давом эттириши мумкин. Шу жиҳатдан, ЖПК нинг 255-260 моддаларида "лавозимдан четлаштириш" жумласини тегишлича "Лавозимдан ва (ёки) касбий ва (ёки) бошқа фаолиятдан вақтинча четлаштириш" таҳририда баён этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Иккинчидан, вақтинча лавозимдан четлаштиришда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига бир қатор ижтимоий ҳуқуқий кафолатларни тақдим этиш лозим деб ҳисоблаймиз. Жумладан, айрим МДҲ давлатларида бўлгани каби шахс лавозимдан вақтинча четлаштирилган даврида унга давлат томонидан таъминот берилиши, шунингдек, у вақтинча лавозимдан четлаштирилган давр умумий меҳнат стажига қўшилишига доир нормаларни жиноят-процессуал қонунчилиги ва меҳнат қонунчилигида қатъий белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Иқтибослар/Списки/References

1. Гречишников О. С. Обеспечение прав обвиняемого и подозреваемого при применении процессуального принуждения: Дис канд. юрид. наук. Волгоград. 2011 С. 162. (Grechishnikova O.S. Ensuring the rights of the accused and the suspect in the application of procedural coercion: Dis cand. legal Of science Volgograd. 2011 P. 162.)

2. Подопольский М.А. Судебные решения в досудебном производстве по уголовному делу (вопросы теории и практики): Дис канд. юрид. наук. Казань. 2007 С. 12. (Podopolsky M.A. Court decisions in pre-trial criminal proceedings (theory and practice): Dis cand. legal sciences. Kazan 2007 P. 12.)

3. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики (на азерб. языке). Баку, "Юридическая литература", 2011. (Criminal Procedure Code of the Republic of Azerbaijan (in Azeri language). Baku, "Legal literature", 2011.)

4. Уголовно-процессуальный кодекс Песублики Армения. http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=7460 (Criminal Procedure Code of the Republic of Armenia. http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=7460)

5. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь. <http://kodeksy.by/ugolovno-processualnyy-kodeks> (Criminal Procedure Code of the Republic of Belarus. <http://kodeksy.by/ugolovno-processualnyy-kodeks>)

6. Уголовно-процессуальный кодекс Украины. <http://pravoved.in.ua/section-kodeks/79-upku.html> (Criminal Procedure Code of Ukraine. <http://pravoved.in.ua/section-kodeks/79-upku.html>)

7. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. - Алматы: ЮРИСТ, 2005. (Criminal Procedure Code of the Republic of Kazakhstan. - Almaty: LAWYER, 2005.)

8. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики (Вводится в действие Законом КР от 24 января 2017 года № 10 с 1 января 2019 года). <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111530> (Criminal Procedure Code of the Kyrgyz Republic (Enacted by the Law of the Kyrgyz Republic of January 24, 2017 No. 10 from January 1, 2019).)

9. Уголовно-процессуальный кодекс Федеративной Республики Германия. С изменениями и дополнениями на 1 марта 2010 года. Последнее изменение внесено на основании ст. 3 Закона преследований приготовления к тяжким угрожающим государству насильственным преступлениям от 30 июля 2009 года. Федеральный вестник законов I, стр. 2437. М.: 2010. (Criminal Procedure Code of the Federal Republic of Germany. With changes and additions on March 1, 2010. The last change was made on the basis of art. 3 of the Law of the prosecution of preparations for violent crimes threatening the state of July 30, 2009. Federal Journal of Laws I, P. 2437. M.: 2010.)

10. Уголовно-процессуальный закон Латвийской Республики. Под общ. ред. и с пояснением М. Шешукова; неоф. пер. с лат.; Рига: Балтийский русский ин-т, 2005. С. 368. (Criminal Procedure Law of the Republic of Latvia. Under total ed. and with the explanation of M. Sheshukov; neof per. from lat.; Riga: Baltic Russian Institute, 2005. P. 368.)

11. Уголовно-процессуальный закон Латвии. <http://latvia.regnews.org/doc/vq/zw-10.htm> (Criminal Procedure Law of Latvia. <http://latvia.regnews.org/doc/vq/zw-10.htm>)

12. Уголовный кодекс Франции / Науч. ред. к.ю.н. Л.В. Головки, к.ю.н. Л.Е. Крыловой, СПб.: Издательство "Юридический центр Пресс", 2002. С. 86. (Criminal Code of France / Nauch. ed. Ph.D. L.V. Golovko, Ph.D. L.E. Krylova, St. Petersburg: Legal Center Press Publishers, 2002. P. 86.)

13. Уголовно-процессуальный кодекс Болгарии. <https://www.twirpx.com/file/1097891/> (Criminal Procedure Code of Bulgaria. <https://www.twirpx.com/file/1097891/>)